

Ўзбекистон Республикаси
Кишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
назорат килиш инспекцияси бошлигининг
2023 йил “16” майдаги 16-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекцияси кошидаги
“Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази”
давлат муассасасининг
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тұғрисида» 2023 йил 24 мартағи ПҚ-102-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг кўшимча чора-тадбирлари тұғрисида” 2023 йил 3 апрелдаги 139-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекцияси кошида ташкил этилган “Агросаноат мажмуида хизматлар курсатиш маркази” давлат унитар корхонаси негизида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекцияси кошидаги “Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш Маркази” давлат муассасасининг (кейинги ўринларда – Марказ) хукукий макоми, асосий вазифалари, хукуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-4241-сон қарори асосида ташкил этилған.

3. Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекцияси Марказнинг муассиси, унинг мақомини белгилайдиган қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколати доирасида давлат муассасасини таъсис этишга вакил қилинган давлат органи хисобланади (кейинги ўринларда - Муассис).

Марказ, Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) назорат функцияларини амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатадиган давлат муассасаси хисобланади.

Марказий аппарат, марказий лабораториялар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий филиаллар Марказнинг мустакил юридик шахс макомига эга бўлмаган таркибий бўлинмалари хисобланади.

4. Мазкур Низом Муассис томонидан тасдикланиб, қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган кундан Марказнинг таъсис хужжати ҳисобланади.

5. Марказ юридик шахс ҳисобланади, ўзининг алоҳида мулкига, мустакил балансига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва давлат тилидаги ўз номи ёзилган муҳр ва бланкаларга, миллий ва хорижий валютадаги хисоб рақамларига эга бўлади.

6. Марказнинг расмий тўлиқ ва қисқартирилган номи:

а) Давлат тилида:

Лотин ёзувида – O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi “Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasi, қисқартирилган номи – “O‘zagroinspeksiya” qoshidagi “Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” DM.

Кирилл ёзувида – Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси кошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси, қисқартирилган номи – “Ўзагроинспекция” кошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” DM.

б) Рус тилида: — Государственное учреждение «Центр оценки качества сельскохозяйственной продукции» при Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом при Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — ГУ «Центр оценки качества сельскохозяйственной продукции» при «Узагроинспекции»;

в) Инглиз тилида: — State company “Center for evaluation of the quality of agricultural products’ under the Inspection on the control of agro-industrial complex under the Ministry of Agriculture of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — SC “Center for evaluation of the quality of agricultural products” under the “Uzagroinspection”.

7. Марказнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 27-уй.

2-боб. Марказнинг юридик мақоми

8. Марказ – давлат мулкидаги, ўзига оператив бошқарип учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат муассасаси шаклидаги ташкилот ҳисобланади. Марказ ўзига бириктирилган мулкдан қонун хужжатларида белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадлари ва вазифаларига, Муассиснинг топширикларига ҳамда эгалик қилиш хукувидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишини ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

9. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг

карорлари ва фармойишларига, “Узагроинспекция” ҳайъатининг карорлари ва буйрукларига ҳамда бошқа конун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал килади.

10. Марказ конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

11. Марказда Муассис томонидан тасдиқланган ташкилий тузилмага асосан марказий аппарат, марказий лабораториялар, худудий филиаллар, булимлар ва бошқа булинмалар фаолият курсатади.

12. Марказ ўз фаолияти юзасидан Муассис олдида хисобдордир.

13. Марказ фаолияти Муассис томонидан назорат килинади ва мувофикаштирилади.

3-боб. Марказниң вазифалари ва функциялари

14. Агросаноат мажмуида давлат хизматларини курсатиш, озиқ-овкат ва кишлоқ ҳужалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илм-фан ва инновацияга асосланган илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб бориши, Марказнинг илмий салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини модернизация қилиш ва янги турдаги хизмат турларини кенг жорий этиш устувор мақсадидир.

15. Хизматлар кўрсатиш орқали фойда олиш, муассиснинг топшириклари ижросини ўз вактида таъминлаш, шунингдек ушбу Низомда назарда тутилган вазифаларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш Марказ фаолиятининг асосий мақсади хисобланади.

16. Қуидагилар Марказнинг асосий вазифалари хисобланади:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш;

Марказ ваколати доирасига мувофик, Агросаноат мажмуи маҳсулотлари (пахта толаси, момиги, техник чигити, момик пахта, ёғ, маргарин, майонез, шрот, шелуха, ҳужалик совуни, дон, дуккакли-дон ва мойли экинлар, кишлоқ ҳужалиги экинларининг барча турдаги уруглари ва қўчатлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, оралиқ маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳамда агросаноат мажмуининг бошқа маҳсулотлари - кейинги ўринларда маҳсулотлар деб юритилади) синовларини ташкил этиш ҳамда утказиш;

маҳсулотларга мувофиқлик ва сифат сертификатлари, синов баённомалари, таҳлил натижалари ҳамда баҳолаш хуносаларини бериш ишларини бажариш;

сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

аккредитация доирасига мувофик синов жиҳозлари ва ўлчов воситаларини метрологик аттестациядан ва киёслаш кўригидан утказиш бўйича ишларни амалга ошириш;

пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момиги тойлари массасини ўлчаш хизматларини амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта маҳсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта

маҳсулотлари ташки куриниши намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг навдорлигини (нав соғлиги) тупроқда (тажриба майдонида) баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштиришда уруғчилик билан шугулланувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, илмий муассасалар ва бошқа хўжаликларга шартнома асосида амалий ёрдам курсатиш;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифатини аниқлаш ҳамда сифат сертификатларини расмийлаштириш;

урӯлик тайёрловчи субъектларда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тозалаш-сарадаш (урӯлик чигитда – туксизлантириш), калибрлаш, дорилаш ва қадоқлаш жараёнларида ҳар 2 (икки) соатда зарурий экинбоплик сифат курсаткичларини аниқлаш;

экиш материаллари таркибида генетик модификацияланган организмларни (ГМО) ҳамда хавфли яширин вирусли ва замбуруғли касалликлар мавжудлигини аниқлаш;

талаб килинадиган аниқлик бўйича улчовларнинг бир хиллигини таъминлаш;

пахта толасини классификациялаш, сертификатлаш ва маркетинг йўналиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникларини, сервис хизмат курсатиш бўйича агросаноат мажмуи соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилишини таъминлаш;

агросаноат мажмуи соҳасига оид фаолиятни оммавий ахборот воситалари интернет тармоғи оркали тарғибот қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг буюртмасига кура шартнома асосида Инспекция назорат функцияларини амалга ошириш соҳасида хизматлар курсатиш;

Инспекция билан келишилган ҳолда ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17. Марказ узига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

сертификатлаштириш миллий тизими қоидалари ва техник жиҳатдан тартибга солишига доир норматив хужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотларни баҳолаш бўйича синовлар утказади;

олинган синов натижаларини ўрганади, мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатларини бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

синов натижаларига кура, номувофиқ деб топилган маҳсулотларга ушбу ҳақида далонатнома, таҳлил натижаси ва синов баённомаси тақдим этади;

экспорт-импорт ва республика ичидағи ташишларда дон ва уни қайта ишлишдан олинган маҳсулотларнинг сифатини аниклади ва сифат сертификатларини расмийлаштиради;

аккредитация доирасига мувофиқ, утказилган метрологик аттестациялаш ва киёслаш ишлари натижаси бўйича синов жиҳозларига сертификат расмийлаштиради;

пахта толаси ва момиги тойларини етказиб берувчи билан биргаликда тойнинг оғирлигини тортиб куради ва тойнинг оғирлиги юзасидан далолатнома расмийлаштиради;

пахта толаси, момиги ва техник чигити маҳсулотларининг ташки куриниши намуналарини истеъмолчиларнинг буюртмаларига асосан таъмирлайди ҳамда янгидан тайёрлайди;

уруғликларни синовлардан утказади, элита уруғчилик хўжаликларида етиштирилган пахта толаси намуналарининг технологик курсаткичларини аниклади, уруғлик пахта ва бошоқли дон экинларининг навдорлигини (нав соғлигини) тупроқда (тажриба майдонида) баҳолаш ишларини амалга оширади;

мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати утган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган ёки сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида сифати бузилган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларидан келгусида уруғлик сифатида фойдаланилмаслик бўйича тегишли хulosалар беради;

маҳсулотларнинг синаш усууларини ишлаб чиқади, зарур ҳолларда манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирларни амалга оширади;

маҳсулотлар учун техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатларни ишлаб чиқиш жараёнларида иштирок этади;

республикага четдан келтириладиган уруғликларни тегишли сертификатлари, фитосанитария сертификати, карантин рухсатномасини тақдим этган ҳолларда улардан намуналар танлаб олади, таҳлиллар ўтказади, натижалари бўйича тегишли хужжатларни расмийлаштиради;

уруғчилик соҳасида жорий этилган халқаро стандартлар асосида уруғлар сифатини аниклади ва стандарт талабларига мувофиқ бўлган уруғларга мувофиқлик сертификатларини беради;

уруғликларни синовдан ўтказади ва якуний хulosалар беради;

сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

маҳсулотларни классификациялаш ва маркетинг йўналиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-курилиш техникларини бошқариш хукукини бериш, сервис хизмат курсатиш бўйича агросаноат мажмуи соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилишини таъминлайди;

кишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа уруғчилик билан шуғулланувчи

хўжаликларнинг уруғлик майдонларини апробация кўригига тайёрлашда шартнома асосида услубий ёрдам кўрсатади;

юкори авлодли уруғликлар етиштирувчи илмий муассасалар майдонларида мониторинг ўтказиш, тайёрланган уруғликлардан намуналар танлаб олиш ва тахлил ўтказиш ишларини амалга оширади;

кишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини сертификатлайди, уларга стандарт талаблари бўйича ёрликларни тайёрлайди ва уруғлик ишлаб чиқарувчиларга буюртма асосида етказиб беради;

Республикада жамғарилган уруғлик пахта ғарамларининг экинбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича дастлабки таҳлилларини амалга оширади;

хорижий давлатлар ташкилотлари билан Инспекцияни хабардор килган холда хамкорлик урнатади. келишув ва меморандумлар имзолайди ва уни амалга оширади, шунингдек халқаро ташкилотларга аъзо бўлади;

хорижий хамкорлар билан уз соҳаси бўйича хукукий ахборот алмашади;

ходимларнинг хорижий давлатларда малака оширишлари учун шарт-шароитлар яратади ва ташкил этади;

хорижий давлатларда ташкил этилган соҳага оид ўкув курсларида, семинар, давра сухбати ва конференцияларда иштирок этади;

Соҳада илм-фан ва инновацияга асосланган илмий тажриба-экспериментал тадқикотларни қўллаб-қувватлаш учун халқаро грандлар, халқаро институт, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грандлари хамда ҳомийлик ҳайриялари техник қумакларда қатнашади.

18. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган ва таъкиқланмаган ўз фаолиятига оид ва бошқа вазифа ҳамда функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Махсус руҳсатнома (лицензия, аккредитация ва маъқуллаш) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли маҳсус руҳсатнома (лицензия, аккредитация ва маъқуллаш) олинганидан сўнг амалга оширилади.

19. Қыйдагилар, Марказ ҳудудий филиалларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Марказга юклатилган вазифа ва функциялар ижросини ҳудудларда таъминлаш;

Марказнинг ваколати доирасида амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофик маҳсулотларнинг барча турдаги синовларини ўтказиш;

ўрнатилган тартибда маҳсулотлардан синов учун намуналар танлаб олиш, идентификация қилиш ва синовдан ўтказиш, зарур ҳолларда маҳсулот намуналарини қўшимча синовлардан ўтказиш учун Марказнинг тегишли лабораторияларига юбориш;

маҳсулотларга мувофиклик сертификати, синов баённомалари ва сифат сертификатлари бериш ишларини бажариш;

синовлар натижаларининг аниқлиги, холислиги ва ишончлилигини таъминлаш;

янги хосилга тегишли типик тұдалардан олинган намуналар бўйича бошоқли дон экинларининг товар ва технологик хусусиятларини ўрганиш;

синовлар натижалари ва хисобот маълумотларини ўз вактида ҳамда ҳакконий тақдим этиш;

ваколат доирасида маҳсулот сифатига тегишли мунозарали масалаларни ҳал қилиш;

корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

20. Марказий лабораториялар ва ҳудудий филиаллар бошлиқлари мазкур Низом билан Марказга юқлатилган вазифа ва функциялари ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши, ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида Марказга етказилган заарлар, шу жумладан Марказ томонидан бириктирилган давлат мулки ва товар-моддий бойликларининг йўқотилиши ҳамда максадсиз ишлатилиши учун тўлиқ моддий жавобгар шахс сифагида шахсан жавобгар ҳисобланади.

21. Марказ ўзининг вазифа ва функцияларини марказий аппарат, марказий лабораториялар ва ҳудудий филиаллар орқали амалга оширади.

иш фаолиятида ўзига тегишли соҳалар доирасида шартномалар тузади ва курсатиладиган хизматларга шартнома асосида нарх белгилайди.

22. Марказ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин.

23. Марказ амалдаги қонунларга кўра маҳсус рухсатнома (лицензия) олиш талаб этиладиган фаолият турлари билан факат тегишли рухсатнома (лицензия) олган ҳолда шуғулланади.

4-боб. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

23. Марказ ўзига юқланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳсулогларни синаш натижаларига кўра, синов баённомалари таҳлил натижалари ва баҳолаш хulosалари, мувофиқлик ва сифат сертификатларини ўрнатилган тартибда бериш;

мавсум бошидан дон ва уни кайта ишлашдан олинган маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва реализация килиш учун мўлжалланган дон сифимларини (омбор, элеватор, айвон ва майдонлар) техник ҳолатини урганиш, баҳолаш ва тегишли хulosаларни бериш;

ягона ўлчов бирлигини таъминлаш ва ўрнатилган қоидаларга асосан метрологик аттестациялашни ва қиёслаш ишларини амалга ошириш бўйича ишларни бажариш;

ўрнатилган тартибда маҳсулотлардан синов учун намуналар танлаб олиш, идентификация қилиш ва танлаб олинган намуналарни лозим бўлган ҳолларда буюртмачиларнинг мутахассислари иштирокида синовлар ўтказиш, зарур ҳолларда маҳсулот намуналарини кўшимча синовлардан ўтказиш учун корхонанинг тегишли лабораторияларига юбориш;

айни бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатларининг сертификатлаш органлари билан “Ўзагроинспекция”ни хабардор килган ҳолда ҳамкорлик қилиш;

маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш, натижалари юзасидан ҳужжатларни тайёрлап ва техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив

хужжатлар талабининг бузилиши билан боғлик камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга тавсия ва таклифлар киритиш;

номувофиқлик аниқланганда, берилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқликни тасдиқлаш белгилари амал қилишини тұхтатиш ва бекор килиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ишлиб чиқаришни үрганишда ёки маҳсулотни синов натижаларига кура, номувофиқликлар аниқланганда, мувофиқлик сертификати беришни рад этиш;

сертификатлаш тизимининг ахборот ва услубий хужжатларини такомиллаштириш ёки ишлиб чиқиши бўйича таклифлар бериш, стандартлаштириш ва метрология соҳасида норматив-хукукий хужжатлар тизимини яратишида иштирок этиш;

хориждан кириб келаётган мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот турининг республикада тартибга солиш бўйича норматив хужжатлари бўлмаганда, унинг сифати ва хавфсизлиги бўйича сертификатлаш синовлари турдош маҳсулотларга бўлган талаблар ёки уларни идентификациядан үтказган ҳолда санитар-эпидемиологик хулоса асосида амалга ошириш;

Инспекция билан келишилган ҳолда уз фаолияти учун зарур бўлган қурилиш ишиларини амалга ошириш, биноларни харид қилиш ва белгиланган тартибда сотиши ҳамда уларни ижарага беришни амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун тавсиявий бўлган, шу жумладан, бошқа давлат органлари билан биргаликда услубий хужжатларни қабул қилиш;

қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

фаолият турлари бўйича товарлар (ишлилар, хизматлар) ишлиб чиқариш ва сотиши, хизматлар курсатиши. Бунда: Марказ томонидан фаолият турлари бўйича товарлар (ишлилар, хизматлар) ишлиб чиқариш ва сотиши ҳамда хизматлар курсатиши бўйича тарифлар, нархлар ва қийматларни мустақил равишда белгилаш;

эркин бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, рақобатбардош хизматларни курсатиши учун имтиёзли тарифларни ишлиб чиқиши ва қўллаш;

ўз фаолият соҳаси бўйича шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиши, ишиларни бажариш, маҳсулот етказиб бериш;

Марказ ходимлари томонидан уз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, микдорлари ва шартларини белгилаш;

Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, шунингдек, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан үтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик хайриялари, фаолият турлари бўйича товарлар (ишлилар, хизматлар) ишлиб чиқариш ва сотишидан тушадиган маблағлар, қонун хужжатларида таъқиқланмаган ҳамда тегишли ҳисоб ракамларида жойлашган бошқа маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ракамларида миллий ва хорижий валютада

жойлаштириш. Бунда, маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадни моддий-техник базани, ижтимоий ривожлантиришга ва ходимларни моддий рағбатлантиришга ҳамда конун хужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирган ҳолда Марказнинг тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз фаолиятига таалуқли мурожаатларини куриб чиқиш;

Марказнинг ваколатлари доирасида хорижий давлатлар органлари ва халқаро ташкилотлар билан Инспекцияни хабардор қилган ҳолда алоқалар ўрнатиш.

Давлат муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Марказ мулки етарли бўлмагандан Марказ мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

24. Марказ муассис билан келишув бўйича, конун хужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда ваколатхоналар очиши ва ҳудудий филиаллар копила лабораториялар ташкил этиши мумкин.

Лаборатория ёки ваколатхона ташкил этилганидан кейин бир хафта муддатда Марказ бу түгрида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигини ёки унинг ҳудудий органини хабардор қилиши шарт.

25. Янги ташкил этилган ваколатхона ва лабораториялар Марказ номидан, тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

26. Ваколатхона ёки янги ташкил этилган лаборатория раҳбари Марказ директори томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Ваколатхона ёки лаборатория раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома Марказ директори томонидан бекор қилинади.

27. Марказнинг жавобгарлиги:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

фаолиятга бевосита таалуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида куриб чиқилиши;

соҳани (тармоқни) ривожлантириш бўйича тадбирлар, режалар ва бошқа дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни самарали амалга оширилиши;

лаборатория ва ваколатхона мажбуриятлари бўйича;

ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради.

Муассис Марказ мулки етарли бўлмагандан Марказ мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

Марказ қонун хужжатларига мувофик бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Марказ муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

5-боб. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

29. Муассис қонун хужжатларида белгиланган тартибда куйидаги ҳукуқларга эга:

Марказ фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

Марказнинг Низомини тасдиқлаш, ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Марказ мулкига оид битишувларни ҳакикий эмас деб эътироф этиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Кишлок хўжалиги вазирлигига давлат муассасасини хусусийлаптириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

Марказга етказилган заарларни ундириш тўғрисида Марказ директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

30. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Марказ тузилмаси ва ходимлар штат жадвалини келишиш;

Марказ директори ва уринбосарларини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ улар билан меҳнат шартномасини тузиш;

Марказ директори билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

давлат муассасаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Марказнинг устав фондини унга давлат мулкини тезкорлик билан бошқариш учун бериш йули билан шакллантириш;

ҳар йили Марказнинг ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳолаш курсаткичини назарда тутувчи Марказнинг сметасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги хисботини эшлишиш;

бозор қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкини, мулкни тасарруф этиш учун Марказнинг ижро этувчи органига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равища Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг худудий бошқармаси билан келишиш;

давлат муассасасига берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Марказнинг йиллик йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилишини таъминлаш.

6-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

31. Марказ уз фаолиятида бевосита Муассисга буйсунади ва унга ҳисбот беради.

32. Марказ фаолиятига Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод килинадиган Директор умумий раҳбарлик қиласи.

33. Марказ директорининг ҳуқуқлари:

Марказ ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳаки миқдорларини Муассис билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

Марказнинг “Ходимлар меҳнатига ҳак тулаш ва моддий рағбатлантириш туғрисида”ги Низомини Муассис ҳамда Касаба уюшмаси билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

Марказнинг моддий-техник таъминлаш харажатларини молиялаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳак тулаш ва моддий рағбатлантириш белгиланган маблағлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан уtkазиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик хайриялари, фаолият турлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар хисобига амалга оширилади;

Марказ ходимларининг иш ҳаки - лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш қўйидагилардан:

хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган юқори малакали, ташаббускор ходимларга юқори малакаси учун лавозим маошининг 200 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланадиган шахсий устамалар;

алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳак ва устамаларни хисоблашда лавозим маоши таркибиға киритиладиган 50 фоиз миқдорида устама;

байрамларда ва мухим саналарда бир марталик пул мукофоти;

Марказнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, ой, чорак ва йил якунлари билан бир марталик пул мукофоти;

ходимлар фаолиятини индивидуал баҳолашда, ишида муваффакиятларга эришганлиги ва мухим топширикларни бажарганлиги учун лавозим маошининг 200 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда мукофот;

овқат пули ва йулкира харажатлари учун компенсация тўловлари;

моддий ёрдам ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тўловлардан иборат.

ҳудудий филиал раҳбарларига бериладиган Ишончномани тасдиқлайди;

Марказ директори тасдиқланган ташкилий тузилмада белгиланган ходимлар сони доирасида штатлар жадвалига ўзгартериш киритади ҳамда муассис билан келишган ҳолда ходимларнинг штатлар бўйича сони ва уларнинг иш ҳаки миқдорларини тасдиқлайди.

зарурат бўлганда, Муассис томонидан тасдиқланган ташкилий тузилмани ўзгартирмаган холда, штатлар жадвалига қўшимча ва ўзгартришлар киритади;

Директор Марказнинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Марказ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Марказ номидан ишончномасиз фаолият курсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, белгиланган тартибда Марказ номидан битишувларни амалга оширади, ходимларни ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгариради ва тұхтатади, зарурат бўлганда Марказнинг молиявий аҳволидан келиб чикиб, хизмат кўрсатиш тўғрисида фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида фуқароларни ишга қабул қиласи. ходимларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш чора-тадбирларини кўради, буйруклар чиқаради, қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради, пул, моддий ва бошқа қийматликларни олиш ва чиқариш учун асос бўлиб хизмат қиласидан хужжатларни имзолаши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини тасдиқлайди, Марказ ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этади, шакллантирилган Марказ фондларининг мақсадли ишлатилишини таъминлайди, уларнинг умумий миқдорлари доирасида мувофиқлаштиради ҳамда Марказ фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Директор муассис олдида Марказ Низомида белгиланган тартибда Марказ фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

Марказ директори уз хуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда норматив-хуқуқий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли хужжатлари ҳамда бошқа қонун хужжатлари билан юкланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш, давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, фаолият соҳа йўналишлари бўйича ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахслар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат сири билан боғлик қонун хужжатлари талабларига риоя этиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳакининг уз вақтида туланиши, меҳнат хуқуqlари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, фаолият билан бевосита боғлик бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Марказга берилган давлат мулки йўқолган тақдирда Марказга етказилган заарлар учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

34. Директор 2 та ўринbosарга эга ва улар Инспекция раҳбарининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Марказнинг худудий филиаллар бўшликлари Инспекция билан келишилган ҳолда, Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Марказий лабораториялари бошликлари ва бошка ходимлари меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда Марказ директори томонидан ишга кабул қилинади ва лавозимидан озод этилади.

Худудий филиаллар бошликлари Марказ томонидан белгиланган тартибда бериладиган ишончнома асосида фаолият юритади.

35. Директор бўлмаган вактда унинг ваколатлари буйруқ билан вазифа юклатилган ўринбосари томонидан амалга оширилади.

36. Марказ директори ўринбосарлари ва таркибий бўлинмаларининг фаолияти директор томонидан тасдиқланадиган вазифалар таксимотида белгиланади.

37. Марказ ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошка давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошка ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасига, ушбу Низомга хамда Муассис томонидан берилган ваколатларга мувофик тадбиркорлик фаолиятининг барча масалаларини, шунингдек молия-хўжалик фаолияти масалаларини ҳал этади;

ўз ваколатлари доирасида Марказ фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади;

Марказ директори қонун хўжжатларида белгиланган тартибда бошка ваколатларни амалга оширади;

Муассисни ҳабардор қилган ҳолда узининг вазифаларини вактинча бажаришни ўринбосарларига юклатиш юзасидан буйруқлар кабул қиласи.

38. Марказ директорининг мажбуриятлари:

Марказ олдига қўйилган вазифаларининг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Марказнинг асосий фаолиятини такомиллаштириш, бошқаришнинг энг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

Марказ мулкини амалдаги қонунчилик ва Муассис томонидан унга берилган ваколатлар доирасида тасарруф этиш;

Марказнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш;

жамоа шартномасини касаба уюшмаси кумитаси билан келишган ҳолда тасдиқлаш ҳамда унда ходимлар учун тўланадиган устамалар, жорий мукофотлар, қушимча ва бир йўла бериладиган тўловлар, имтиёзлар, иш стажи, ой, чорак ва йил якуни бўйича тўловларни (рағбатлантириш) қайд этиш, ушбу

тўловларни Марказнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган тартибда бажарилишини таъминлаш;

39. Марказ директори қуидагиларга жавобгар:

Марказ директори ўз хукукларини амалга ошириш ва вазифаларни бажаришда Марказ манфаатларини кўзлаб ҳаракат киласи ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар, иш ҳакининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид хукукий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талаблар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлик эхтиёжлар учун маблағларни ўз вақтида ўтказилишига, Марказнинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, жумладан, Марказга берилган давлат мол-мулки йўқолган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Марказ директори зиммасига юклangan вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Марказга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланиши юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

40. Марказ директори Муассис томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарларга эга бўлади.

41. Директор ўринбосарлари:

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи, уларга юклangan вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этади;

Муассис карори, Марказ директорининг буйруқ ва топшириклини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар бажарилишини назорат қиласи ва мувофиқлаштиради;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун директорга киритади;

Марказ директорига Марказнинг таркибий бўлинмаларида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифларни киритиш, уларнинг касбий маҳорати, малакаси, амалий тажрибаси, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларини юқори даражада таъминлаш, уларнинг касбий малакаларини ошириш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантиришда амалий ёрдам беради;

Марказнинг таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятини самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қиласи, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитади, якунлар бўйича зарур чораларни кўради.

Марказ директори вақтинча бўлмагандан, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажаради.

42. “Марказнинг устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга муассис томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активлар жамини ифодалайди.

Марказ устав фондининг миқдори 7 468 706 940 (етти миллиард тўрт юз олтмиш саккиз миллион етти юз олти минг тўқиз юз кирк) сўмни ташкил қиласди.

Марказнинг устав фондини кўпайгириш ва камайтириш Конун хўжжатларида белгиланган тартибда, муассиснинг карори бўйича амалга оширилади.

7-боб. Марказнинг хўжалик фаолияти

43. Марказ ўзининг тадбиркорлик (тижорий) фаолиятини мустақил режалаштиради ва ривожланиш истиқболларини белгилайди.

44. Марказнинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик фаолиятининг барча соҳалардаги муносабатлари шартнома асосида амалга оширилади. Марказ шартнома предметини танлашда, мажбуриятларини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлмаган ўзаро хўжалик муносабатлари шартларини белгилашда эркиндир.

45. Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-хуқуқий хўжжатлари ҳамда тузиладиган шартнома билан белгиланадиган нархлар ва тарифлар (прейскурант, калькуляция) асосида амалга оширилади.

46. Марказ ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадини унинг шахсий меҳнат улушига қараб, Марказ фаолиятининг пировард натижаларини ҳисобга олиб, ўрнатилган тариф ставкалари бўйича белгилайди.

47. Марказ директорига Муассис билан келишилган ҳолда Марказнинг молиявий имкониятлари ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, юкори тариф коэффициентларини қўллаш ваколати берилади.

48. Марказ ходимларининг меҳнатига ҳак тўлашнинг энг кам миқдори амалдаги конун хўжжатларга мувофиқ белгиланади.

49. Меҳнатга ҳак тўлашнинг шакллари, тизимлари ва миқдорлари, шунингдек ходимлар даромадларининг бошқа турлари амалдаги қонун хўжжатларга мувофиқ равишда белгиланади.

50. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг Марказ ихтиёрида қоладиган маблағлар Марказ ходимларини рағбатлантиришга, мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга, моддий-техник базасини, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини ривожлантиришга, бино ва иншоатларни таъмирлаш ва қуришга ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилади.

51. Фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк Марказнинг мустакил тасарруфига ўтади ва алохидা балансда ҳисобга олинади.

8-боб. Марказ фаолиятини баҳолаш мезонлари

52. Марказ фаолияти самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланади.

53. Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якупнлари бўйича:

Марказ раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (тақдирлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Марказ фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

54. Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонун ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Марказнинг тузилмаси

55. Марказ марказий аппарат (марказий бошқарув аппарати), марказий лабораториялар ва ҳудудий филиаллардан иборат.

56. Марказнинг ҳудудий марказлари қуйидагилар:

T/р	Ҳудудий филиаллар номи
1.	Қорақалпогистон Республикаси филиали
2.	Андижон вилояти филиали
3.	Бухоро вилояти филиали
4.	Жиззах вилояти филиали
5.	Қашқадарё вилояти филиали
6.	Навоий вилояти филиали
7.	Наманган вилояти филиали
8.	Самарқанд вилояти филиали
9.	Сирдарё вилояти филиали
10.	Сурхондарё вилояти филиали
11.	Тошкент вилояти филиали
12.	Фарғона вилояти филиали
13.	Хоразм вилояти филиали

57. Ҳудудий филиаллар раҳбарлари Марказ директорига ва унинг ўринбосарларига тўғридан-тўғри бўйсунади.

10-боб. Якупнларни қўйиб ошириш


58. Марказни қайта ташкил этиш ва тутатиш Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
 Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
 "Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi"
 davlat muassasasining Nizomiga

1-ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi "Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi" davlat muassasasining

TASHKILY TUZILMASI



"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi" davlat muassasasi boshqaruvi va ishlab chiqarish hodimlarining umumiy cheklangan shtatlar soni
701 birlik: Jumladan :


markaziy apparatda - **54** birlik, markaziy laboratoriylar - **88** birlik, hududiy filiallarda - **559** birlik.

Shundan **29** birligi boshqaruvi xodimlari, **19** birligi mutaxassislar, **51** birligi texnik va **81** birlik xizmat ko'rsatuvchi xodimlar hamda **521** birlik ishlab chiqarish xodimlari.

Markaz direktoriga - tasdiqlangan tashkiliy tuzilmada belgilangan xodimlar soni doirasida shtatlar jadvaliga o'zgartirish kiritish huquqi beriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi
 Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
 “Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
 davlat muassasasining Nizomiga
 2-ILOVA

**“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
 Qoraqalpog‘iston Respublikasi filialining tashkiliy tuzilmasi**




Qoraqalpog‘iston Respublikasi filiali boshqaruv va ishlab chiqarish xodimlarining umumiy soni **47,5** birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo‘yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi"
davlat muassasasining Nizomiga
3-ILOVA

**"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi" davlat muassasasining
Andijon viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Andijon viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
54,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
4-ILOVA

**“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Buxoro viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Buxoro viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
49,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo‘yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
5-ILOVA

**“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Jizzax viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Jizzax viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
38,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo‘yicha va Namuna tanlab oluvchi-va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
6-ILOVA

**“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Qashqadaryo viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Qashqadaryo viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
48,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab olovchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
7-ILOVA

**“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Navoiy viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Navoiy viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
30,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
8-ILOVA

**“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Namangan viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Namangan viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
43,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
9-ILOVA

**“Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Samarqand viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Samarqand viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
42,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo‘yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi"
davlat muassasasining Nizomiga
10-ILOVA

**"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi" davlat muassasasining
Sirdaryo viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Sirdaryo viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
40,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
11-ILOVA

**“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Surxondaryo viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Surxondaryo viloyati filiali boshqaruv va
ishlab chiqarish xodimlarining umumiy soni
39,5 birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi"
davlat muassasasining Nizomiga
12-ILOVA

**"Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi" davlat muassasasining
Toshkent viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Toshkent viloyati filiali boshqaruv va
ishlab chiqarish xodimlarining umumiy
soni **25** birlik.

*Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
13-ILOVA

**“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Farg'on'a viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**




Farg'on'a viloyati filiali boshqaruva va
ishlab chiqarish xodimlarining umumiy
soni **50,5** birlik.

*Paxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi
Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi
“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi”
davlat muassasasining Nizomiga
14-ILOVA

**“Qishloq xo'jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi” davlat muassasasining
Xorazm viloyati filialining tashkiliy tuzilmasi**



Xorazm viloyati filiali boshqaruv va ishlab
chiqarish xodimlarining umumiy soni
48,5 birlik.

*Raxta maxsulotlarini sertifikatlash bo'yicha va Namuna-tanlab oluvchi va identifikasiya qiluvchi mutaxassislar - Markaz vakili Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sertifikatlashtirish organlari xodimlari hisoblanadi.